

Рўйхатга олинди  
№ \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2007 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирининг биринчи  
ўринбосари  
\_\_\_\_\_ А.Парпиев  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2007 й.

## НАМУНАВИЙ ДАСТУР

### “ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ”

фани бўйича

5521900 – «Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)»  
бакалаврият йўналиши талабалари учун

**Умумий ўқув соати – 152**

**Умумий аудитория машғулоти соати – 84**

**Умумий мустақил таълим соати – 68**

**Давлат аттестацияси**

**ТОШКЕНТ-2007**

Фаннинг намунавий дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув – методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2007 й. \_\_ - сон мажлисида муҳокама этилган ва маъқулланган “Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)” таълим йўналиши учун ДТС ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Фаннинг намунавий дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Проф. Расулев Д.  
Кат. ўқит. Вапоев С.К.

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Фаннинг намунавий дастури “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳаси бўйича ўқув – методик бирлашмасида «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2007 й. кўриб чиқилди ва тавсия қилинди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг \_\_\_\_\_ сон қайдномаси билан тасдиққа тавсия этилди.

## КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси “Давлат таълим стандарти бўйича бакалавр тайёрлаш мазмуни ва савиясининг мажбурий минимумига бўлган талаблар”га мувофиқ тузилган.

Ушбу дастур электрон тижоратнинг тарихи ва ривожланишининг тенденцияси, истиқболлари ҳамда республикамизда АТТ(автоматлаштирилган тижорат тизимлар) соҳасидаги ислохотлар натижалари ва электрон тижорат масалаларини қамрайди.

Фан ўқитилишидан мақсад – электрон тижорат асослари бўйича йўналишларига мос, таълим стандартида талаб қилинган билимлар, кўникмалар ва тажрибалар даражасини таъминлашдир.

Бу курс бўйича талабалар билимлари ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат: электрон тижоратни ривожлантириш ва юритишнинг асосий йўналишлари; электрон тижоратнинг имкониятлари ва афзалликлари; электрон тижорат ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий базаси; электрон рақамли имзо; электрон тижоратнинг меъёрий-техник таъминоти; электрон тижорат халқаро стандартлари; Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратнинг ҳолати; электрон тижорат соҳасида стандартлаштириш; электрон тижорат соҳасида сертификация ва лицензиялаш; электрон тижоратни олиб бориш хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишлари; электрон тижорат юритишнинг андозалари; электрон тижоратда инфор­мацион жараёнлар; электрон тижорат тизимининг умумий тавси­фи ва тузилмаси; электрон карточкалар; электрон тўлов тизимларини ривожлантириш истиқболлари; электрон тижоратни замонавий техника билан таъминлаш; Web, Internet ва бизнес технологиялари ёрдамида электрон тижорат соҳасига лозим бўлган тизимни яратиш, таҳлил қилиш, дизайн ишлаб чиқиш; электрон бизнесни бошқариш; Internet –маркетинг ва реклама; электрон тижорат воситалари; электрон тижоратнинг замонавий инфратузилмаси; электрон тижоратда ахборот технологияларини қўллаш; магнит ва электрон карточкалардан фойдаланиш ҳақида маълумотларга эга бўлиши лозим.

Бу фанни ўрганиш учун олий ўқув юртида ўқитиладиган информатика, ахборот технологиялари, иктисод асослари, маркетинг ва ушбу йўналишдаги бошқа фанларни чуқур эгаллаган бўлиши шарт. Шу билан бирга ўзлаштирилган мавзуларни иктисоднинг турли соҳаларида ва ишлаб чиқаришда қўлланилишини тасаввур этиши керак.

Фанни ўзлаштиришда масофадан ўқитиш, дарслик, ўқув қўлланмалари ва маърузалар матнларининг электрон версияларидан, маълумотлар электрон базасидан, компьютердан, электрон плакатлар ва виртуал лаборатория ишларидан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Кириш**

Электрон тижорат тарихи ва ривожланишининг тенденцияси, истиқболи ҳамда республикамизда АТТ соҳасидаги ислохотлар натижалари ва электрон тижорат масалаларини ўрганиш. Бозор шароитида электрон тижоратни самарали ишлатиш муаммоларини кўриб чиқиш. Замонавий корхонада эксплуатация воситаларини электрон тижорат тизимларида кузатиш. Электрон тижорат ҳолати ва ривожланиш истиқболлари мамлакат ичида ва чет элларда баҳоланиши. Электрон тижорат тизимларининг кўринишлари ва иш фаолияти соҳаларида уларнинг қўлланилиши.

### **Электрон тижорат асослари.**

Электрон тижорат товарларини Интернет ишлатиш орқали сотиб олиш. Электрон тижорат товар буюртмасини қабул қилиш., тўлов амалга ошириш, товар етказиб берилишидаги бошқарувда қатнашувни ўз ичига олган операцияларнинг ёпиқ цикли технологиясини тушунилиши. Электрон тижорат тушунчасининг пайдо бўлиши. Электрон тижоратни товар ва хизматларни реализациялаш ва етказиб бериш шартномаларини тузишда моддий ва номоддий оқимлар, оқим хизмати билан боғлиқлиги. Электрон тижорат юритишнинг андозалари. Электрон тижорат тизимининг асосий кўринишлари ва уларнинг қўлланилиш кўлами. Электрон магазинлар. Электрон савдо қаторлари. Web –витриналар. Савдо Интернет тизимлари. Виртуал савдо майдончаси.

### **Электрон тижоратда ахборот жараёнлари.**

Шимолий Америкада электрон тижорат. Ғарбий Европада электрон тижорат. Шимолий Американинг электрон тижорат бозори умумий бозорнинг қанча қисмини ташкил этиши. Ғарбий Европада электрон тижорат умумий бозорнинг қанча қисмини ташкил этиши. Европа электрон тижорат бозорлари учун рақобат. Европадан четга экспорт хажми электрон тижорат айланмасининг қанча фоизни ташкил қилиши. Россияда электрон тижорат. Республика илмий ва таълим муассасаларининг Интернетдан бепул фойдаланишлари учун таянч тармоқни вужудга келтирилиши. Россиядаги электрон тижоратнинг асосий даромади. Actis Sistem компанияси

### **Электрон тижоратнинг фундаментал тамойиллари.**

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратнинг ҳолати.

Электрон тижорат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Давлат дастури. Республикада Интернетдан фойдаланадиган бепул ва тижорат жамоат марказлари. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонуни қабул қилиниши. Республиканинг ривожланаётган жаҳон иқтисодиётига қанчалик тез кўшилиши. Республикада ахборот коммуникация технологиялари ривожланиш мониторингининг йўлга қўйилган тизими. Республика илмий ва таълим муассасаларининг

Интернетдан бепул фойдаланишлари учун таянч тармоқни вужудга келтириш.

### **Электрон тўлов тизимларининг ривожланиш истиқболи.**

Электрон тўлов тизимларининг ривожланиш истиқболи. Интернет магазинлар. Электрон тўловлар технологияси. Электрон пул. Электрон пул тизими. "Мижоз—сервер" тизимининг классик схемаси. Икки даражали мижоз сервер архитектураси. Transmission Control Protocol Internet Protocol протоқоллар комплекси. Интернет асосида "мижоз — сервер" технологияси. Гиперспектор тушунчаларига асосланган ва ахборот алмашинувида HTTP протоқоли. Экстранет аниқ электрон тижорат муҳити. Рақамли қўл. Электрон сертификатлар. Cyber Plat тизими. Ассист тизими. Уй банки тизими. Телебанк тизими. Крадо банк тизими

### **Электрон бизнесни бошқариш.**

Бизнес маркетинг. Internet — маркетинг ва реклама. Электрон тижорат воситалари. Виртуал савдо майдонча. WEB-витриналар. Савдо интернет тизимлари. Глобал тармоқда электрон тижорат. Қатъийлик — электрон тижорат соҳасида ўзининг сиёсати. Менежментнинг қатъийлиги. Интернет — аудитория. Мижозлар гуруҳлари. Қатъийлик — лойиҳа молияланиши жараёни. Web-сайт илгарилашуви. Мақсадни аниқлаш. Тузилма танлови. Web — манзил танлови. Асосий бетнинг логотипи ва номланишининг танлови. Фон ранги танлови. Web — саҳифаларнинг тузилиши танлови. Фотография ва графика жойлаштириш. Сайтни жойлаштириш. Сайт кузатуви. Электрон почта орқали ахборот сўровлари. Ахборот қабул қилишга мотивациялашув. Сўзлашувга мотивациялашув. Мижозлар билан ўзаро алоқаларни бошқариш.

### **Электрон савдо.**

Электрон савдо тушунчаси ва мазмуни. Виртуал дўкон орқали савдо. Ахборот махсулотлар савдоси. Туристтик махсулотлар савдоси. Қизиқишнинг чуқурлиги. Қайта алоқа. Аудитория хатти — ҳаракати. Интернетда маркетинг. Интернет савдо. Электрон магазиннинг "идеал" схемаси. Электрон магазин ташкил қилиш тамойиллари. Россия Электрон магазинларининг қисқача тавсифи. Электрон тижоратнинг савдо схемалари. Интернет — аукционлар. Тухтовсиз доимий аукцион. Резерв (захира! нархли аукцион). Бир типлаги магазинлар аукциони. Ахборот хизматлари. Кундалик маълумотлар Структуралаштирилган ахборот. Мультимедик ахборот. Интернет телефония. Уяли алоқа. Интерактив телевидения

### **Интернет маркетинг учун веб-саҳифалар яратиш.**

WEB-саҳифа яратиш. WEB-саҳифада Электрон почта маркетингни ташкил этиш. Корхона WEB — сайтини яратиш. WEB-саҳифада қидирувни ташкил этиш. WEB-саҳифада тесқари алоқани ташкил этиш. Виртуал дўкон яратиш. Трансчегаравий тамойилларини ишлаб чиқиш. Мулоқот марказлари

тармоғини ташкил эташ. Идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш

### **Ўзбекистонда электрон тижорат ривожланишининг асосий йўналишлари.**

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратнинг ҳолати.Электрон тижорат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Давлат дастури.

Ўзбекистонда электрон тўлов тизимларининг ривожлантириш истиқболлари.Ўзбекистонда электрон тижорат тизимларини амалда қўллаш. Ўзбекистонда электрон аукцион ташкил қилиш. Электрон тижоратнинг меъёрий —техник таъминоти. Электрон тижоратнинг халқаро стандартлари.Электрон тижорат соҳасида сертификация ва лицензиялаш. Аккредитлаш. Техник шароитлар. Электрон тижорат фаолият соҳасини лицензиялаш

### **Электрон тижоратда ахборот хавфсизлиги.**

Электрон тижоратда ахборот хавфсизлиги Электрон тижоратда компьютер жинойтчилиги.Ахборот хавфсизлиги тизимининг асосий тамойиллари.Хавфсиз электрон тижорат.Юқори технологик жинойтлар.

Хусусий хакерлар, классик хакерлар,кракерлар. . Электрон тижоратда компьютер жинойтчилари.” Ташки” ва ”ички” компьютер бўзгунчилари. Кракерлар. Фрикерлар. Метаҳакерлар. Аниқламаслик тамойили. Идеал ҳимоя тизими. Энг кам хатар тамойили. Энг кам зарар тамойили. Хавфсиз вақт тамойили. ”Ҳаммадан ҳаммани ҳимоя қилиш” тамойили. Қонунчилик тамойили. Персоналнинг жавобгарлик тамойили. Ваколатларни чегаралаш тамойили. Ўзаро алоқа ва ҳамкорлик тамойили.

### **АМАЛИЙ, СЕМИНАР, ТАЖРИБА МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР**

Амалий ва тажриба машғулотлари янги педогогик технологияларнинг “Ақлий ҳужум” усули, “Пингбод”, “Инсерт”, “Кластер”, “Балиқ скелети” каби техникаси ва ҳолатли масалалар ёрдамида ёритилади. Бу усуллар талабаларга мавзуларни ўзлаштиришга, гуруҳларда фаол иштирок этишга ва мустақил фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Гуруҳларга бўлиб, бериладиган савол ва слайдлар Excel, Power Point компьютер дастурида тайёрланади. Билимларни эгаллаш ва олинган кўникмалар даражаси жорий, оралиқ ва якуний назоратлар бўйича олинган баллар асосида аниқланади.

### **ЧИЗМА-ҲИСОБ, КУРС ИШИ ВА ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР**

Ўқув режасида чизма-ҳисоб ва курс ишлари кўзда тутилмаган.

## **АСОСИЙ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ**

1. Карол Костроув-Сакс и Марио Апостолова. Упрощение процедур торговли: распределение выгод от процесса глобализации в новых условиях безопасности. Нью-Йорк и Женева. 2004.
2. Холодов Владимир. Электронная коммерция мир реальности. Business Commerce Systems. 2000.
3. И.Т.Балабанов. Электронная коммерция. Учебное пособие для вузов. 2001.
4. И.Успенский Энциклопедия интернет-бизнеса. 2001.
5. Волков А. Как создать развивающийся Интернет бизнес. 2004.